**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси тизимлари томонидан 2022 йилда Республика ҳудудидаги Прокуратура биноларини қўриқлаш хизмати учун ҳисобланган пул маблағларини марказлашган ҳолда Қўриқлаш бош бошқармасига ўтказиш ҳақида**

# 4 - СОНЛИ ШАРТНОМА

2022 йил «12» январь Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура тўғрисидаги Қонун асосида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси номидан Ўзбекистон Республикаси Бош Прокурорининг ўринбосари Э.Т. Юлдашев бир томондан қуйида «Буюртмачи», Низом асосида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўмондони ўринбосари - Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи М.Ж. Ғаниев иккинчи томондан қуйида «Бажарувчи», ушбу шартномани тузишди.

## I. Шартнома мазмуни.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармасининг жойлардаги бошқарма, бўлимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг Республика худудида жойлашган Прокуратура биноларини қўриқлаш хизмати бўйича 2022 йил 1-чораги учун умумий суммаси **13 176 000 000** (ўн уч миллиард бир юз етмиш олти миллион) сўм (қўшилган қиймат солиғисиз) миқдоридаги пул маблағларини Қўриқлаш бош бошқармаси ҳисобига марказлашган ҳолда тўлаш ҳақида. Кўрсатилган қўриқлаш хизмати учун ойлик тўловлар 100 фоиз олдиндан амалга оширилади.

## II. «Бажарувчи»нинг мажбуриятлари.

1. «Бажарувчи» қўриқлаш бўлинмаларининг Республика Прокуратура биноларини жойлардаги қўриқловчи қўриқлаш ходимларини сақлашга сарфланадиган харажатлар сметасини «Буюртмачи»га ҳар ойнинг 10-санасига қадар тасдиқлаб тақдим қилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига биноан иш ҳақи, стипендия ва нафақалар миқдори ошганда, Прокуратура биноларини қўриқлаш учун сарфланадиган харажатлар сметасини қайта кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасига тақдим этади.

## III. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари.

«Бажарувчи» томонидан тасдиқлаб, тақдим қилинган қўриқлаш ходимларини сақлаш бўйича сметаларни текшириб, «Бажарувчи» томонидан смета тақдим қилинган санадан бошлаб 10 кун ичида марказлашган ҳолда «Бажарувчи» ҳисоб-рақамига қўриқлаш хизмати учун ҳисобланган тўловни амалга ошириб беради.

## IV. Нархлар.

Нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳамда Миллий гвардия қўмондони томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бошқарма, бўлим ҳамда бўлинмалари қўриқлаётган ўта муҳим, тоифаланган ва бошқа турдаги объектларга кўрсатиладиган қўриқлаш хизматларининг Тарифлари»га мувофиқ белгиланади.

## V. Низоларни ҳал этиш тартиби.

Мазкур Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

## VI. Шартнома муддати.

1. Мазкур шартнома «Буюртмачи» ва «Бажарувчи» томонидан имзоланиб, хизмат кўрсатиш муддати 01.01.2022 йилдан 31.03.2022 йилгача бўлиб, 01.01.2022 йилдан 31.12.2022 йилгача амал қилади, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради.

2. Агар томонлардан бирининг иккинчи томонга нисбатан шартнома бўйича эътирози бўлса ва шартномани бекор қилиш истагини билдирса, у бу ҳақда икки ой олдин расмий равишда хабар қилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмалари томонидан қўриқланадиган Республика прокуратура биноларининг рўйхати шартномага илова қилинади ва унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

## VII. Томонларнинг манзиллари ва уларнинг банкдаги ҳисоб рақамлари.

| «Бажарувчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси** | **Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси** |
| Манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Саид Барака кўчаси 52 – уй | Манзил: 100047 Тошкент ш. Яшнобод тумани Акад. Я.Ғуломов кўчаси 66-уй |
| Тел/факс: (71) 202-45-19, 202-45-20 | Тел/факс: (71) 233-27-38 |
| х/р: 21 596 000 800 447 982 001 | ШХР: 1000 1086 0262 9070 3620 0010 001 |
| Банк: Ўзбекистон Республикаси Маркази банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси-нинг ҳисоб-китоб касса Маркази | МФО: 00423 СТИР (ИНН): 200 555 349<br>ХХТУТ (ОКОНХ) 97300<br>**Молия Вазирлиги Ғазначилиги** |
| МФО: 00014 СТИР (ИНН): 202 295 766<br>ОКЭД: 80 200 | Ғаз/х-р: 23 402 000 300 100 001 010<br>Банк: ХККМ МБ Тошкент шах. ББ.<br>МФО: 00014 СТИР (ИНН): 201 122 919 |
| Рахбар: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўмондони ўринбосари – Қўриқлаш Бош бошқармаси бошлиғи | Рахбар: Бош прокурор ўринбосари |
| **М.Ж. Ғаниев**<br>Имзо | **Э.Т. Юлдашев**<br>Имзо |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY GVARDIYASI
[illegible] BOSHQARMASI
YURIDIK HUQUQIY EKSPERTIZADAN
O'TKAZILDI
20 22 YIL « 12 » 01 DA
16 RAQAM BILAN
QAYD ETILDI

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Б.Қ. Иногамов**

2022 йил "____" январь

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шахар қўриқлаш бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси биносини қўриқлаш хизмати учун пул маблағларини тўлаш ҳақидаги 2022 йил 12 январда тузилган 4-сон шартноманинг

## ҲИСОБ–СМЕТАСИ

| № | Пост тури | Ойлар | Қўриқ-лана-ётган пост-лар сони | Постлар-нинг бир ойлик қўриқлаш вақти (соат) | 1 соат учун тариф (минг сўмда) | Постларни бир ойлик сақлаш харажатлари (минг сўмда) | Туман коэффи-циенти (минг сўмда) | Жами бир ойлик сақлаш харажатлари (минг сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **А** | **В** | **С** | **1** | **2=1гр*730** | **3** | **4=2гр*3гр** | **5** | **6=4гр+5гр** |
| 1 | Сафдор ходим | Январь | 48 | 34 553 | 58 304 | 2 014 597 547 | 4 862 952 | 2 019 460 499 |
| | Эркин ёлланган қоровул | | 190 | 138 700 | 16 716 | 2 318 509 200 | 31 074 888 | 2 349 584 088 |
| | Ҳарбийлашган назоратчи | | 1 | 730 | 32 252 | 23 543 960 | | 23 543 960 |
| | Ўрнат. шартли қўриқ. восит | | 2 | | 29 547 | 59 094 | | 59 094 |
| | **Жами** | | **241** | **173 983** | | **4 356 709 801** | **35 937 840** | **4 392 647 641** |
| 2 | Сафдор ходим | Февраль | 48 | 34 553 | 58 304 | 2 014 597 547 | 4 862 952 | 2 019 460 499 |
| | Эркин ёлланган қоровул | | 190 | 138 700 | 16 716 | 2 318 509 200 | 31 074 888 | 2 349 584 088 |
| | Ҳарбийлашган назоратчи | | 1 | 730 | 32 252 | 23 543 960 | | 23 543 960 |
| | Ўрнат. шартли қўриқ. восит | | 2 | | 29 547 | 59 094 | | 59 094 |
| | **Жами** | | **241** | **173 983** | | **4 356 709 801** | **35 937 840** | **4 392 647 641** |
| 3 | Сафдор ходим | Март (Ҳарбийлашган назоратчи 28,5 кунга) | 48 | 34 553 | 58 304 | 2 014 597 547 | 4 862 952 | 2 019 460 499 |
| | Эркин ёлланган қоровул | | 190 | 138 700 | 16 716 | 2 318 509 200 | 31 074 888 | 2 349 584 088 |
| | Ҳарбийлашган назоратчи | | 1 | 669,7581 | 32 252 | 21 601 038 | | 21 601 038 |
| | Ўрнат. шартли қўриқ. восит | | 2 | | 29 547 | 59 094 | | 59 094 |
| | **Жами** | | **241** | **173 923** | | **4 354 766 879** | **35 937 840** | **4 390 704 719** |
| **Ҳаммаси** | | | | | | **13 068 186 480** | **107 813 520** | **13 176 000 000** |

**Жами: 13 176 000 000** (Ўн уч миллиард бир юз етмиш олти миллион) **сўм**

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Қўриқлаш бош бошқармаси**
**Молия-иқтисод бўлими бошлиғи** **А.А.Исраилов**

Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 мартдаги ПҚ-5029 Қарори ҳамда 17 августдаги ПФ-6279-сон Фармони